

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

407 Хорижий давлат ҳудудида вафот этган шахсни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дафн этишда кўмаклашиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2269*

(2011 йил 7 октябрдан кучга киради)

«Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 508-модда) асосида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Хорижий давлат ҳудудида вафот этган шахсни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дафн этишда кўмаклашиш тартиби ҳақидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан сўнг кучга киради.

Ташқи ишлар вазири

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 27 сентябрь,
3-сон

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 27 сентябрь,
9-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИКРОМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 27 сентябрь,
20-сон

Адлия вазири**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 27 сентябрь,
24-сон

**Миллий хавфсизлик
хизмати раиси****Р. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 27 сентябрь,
15914-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси****З. ДУСАНОВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 27 сентябрь,
01-02/12-18-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазир-
лиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия
вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати,
Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил
27 сентябрдаги 3, 9, 20, 24, 15914,
01-02/12-18-сон қарорига
ИЛОВА

**Хорижий давлат ҳудудида вафот этган шахсни
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дафн этишда
қўмаклашиш тартиби ҳақида
НИЗОМ**

Ушбу Низом «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2010 й., 52-сон, 508-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вафот этган шахсларнинг (Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, айрим ҳолларда эса чет эл фуқароларининг ҳам) жасадларини (сақланиб қолган тана қисмларини) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дафн этишни ташкил қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар бир инсонга унинг ўлиmidан кейин жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) вафот этган шахснинг

хошиш-иродасини инобатга олган ҳолда, «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ дафн этиш ва дафн этиш учун жойни текин бериш кафолатланади.

2. Вафот этган шахснинг унинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) ёки хокини илгари вафот этган шахслар ёнига дафн этиш тўғрисидаги хошиш-иродасини бажариш дафн этиш учун бўш жой ёки илгари вафот этган яқин қариндошининг қабри мавжуд бўлган тақдирда таъминланади.

3. Шахс хорижий давлат ҳудудида вафот этган тақдирда, вафот этган шахснинг унинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) ёки хокини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дафн этиш тўғрисидаги хошиш-иродасини бажариш, дафн этишни амалга ошириш ва дафн этиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган шахсга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўлим ҳақидаги гувоҳномани (маълумотномани), вафот этган шахснинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) олиб кетиш учун рухсатномани, йўл ҳужжатларини, шу жумладан давлат чегараларини кесиб ўтишга доир ҳужжатларини олишга кўмаклашиш қисмида кафолатланади. Бунда, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари (бундан кейин матнда консуллик муассасаси деб юритилади), маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек ўз фаолият турига кўра шундай ҳолларда зарур хизматлар кўрсатувчи бошқа юридик шахслар кўмаклашади.

4. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида мазкур Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартномалар қоидалари қўлланилади.

II. Ўлим ва жасадни (сақланиб қолган тана қисмларини) ёки хокни ташиш ҳақидаги ҳужжатларни расмийлаштириш

5. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳужжатиغا эга фуқаролиги бўлмаган шахс (бундан кейин матнда фуқаро деб юритилади) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вафот этганда, ўлимни рўйхатга олиш консуллик округи ҳудудида марҳум яшаган ёки ўлим юз берган мамлакат (ҳудуд)да жойлашган консуллик муассасаси томонидан амалга оширилади.

6. Ўлимни рўйхатга олиш вафот этган шахс яшаган жой бўйича эмас, бошқа округда амалга оширилган бўлса, рўйхатга олган консуллик муассасаси вафот этган шахс ҳисобда турган консуллик муассасасига унинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, вафот этган санаси, шунингдек ўлим тўғрисидаги далолатнома ёзувининг рақами ва ўлимни рўйхатга олиш санаси ва жойи кўрсатилган хабарномани жўнатади.

7. Ҳаво ёки денгиз кемасида юз берган ўлимни рўйхатга олиш ҳаво кемаси қўнадиган ёки денгиз кемаси келадиган мамлакат консуллик округига кирадиган консуллик муассасаси томонидан амалга оширилади.

Айрим хорижий давлатлар қонунчилигида ушбу давлатларнинг ваколатли органлари томонидан ўлим тўғрисидаги гувоҳнома (маълумотнома)ни расмийлаштиришнинг ўз тартиби назарда тутилган, улар ўлим ҳақидаги тиббий хулосалар билан бир қаторда ўлим юз бериш фактини тасдиқловчи ҳужжат сифатида эътироф этилиши мумкин.

8. Қонунчиликка мувофиқ консуллик муассасалари томонидан ушбу Низомнинг 23-бандида кўрсатилган ўлим тўғрисидаги ҳужжатлар туркумини расмийлаштириш консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмаган ҳолда амалга оширилади.

9. Консуллик муассасаси ходимининг ўлимни рўйхатга олиш учун консуллик муассасасининг консуллик округи доирасида вафот этган (ҳалок бўлган) шахснинг ўлими юз берган жойга чиқиши бўйича харажатлар чет эл муассасасини маблағ билан таъминлаш учун навбатдаги молия йилига мўлжалланган харажатлар сметасининг «Хизмат сафарлари харажатлари» моддасида назарда тутилган бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади.

10. Вафот этган шахсларнинг жасадларини (сақланиб қолган тана қисмларини) ёки хокини транспортда ташишга тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасига етказиш билан боғлиқ харажатлар уларнинг қариндошлари ва яқинларининг маблағлари, шунингдек бўлиб турган мамлакатдаги диаспора вакилларининг ва бошқа ҳамдард бўлган шахсларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонлари ҳисобидан қопланади. Айрим ҳолларда кўрсатиб ўтилган харажатларни тегишли консуллик муассасаси ҳисоб рақамидан вафот этган шахснинг қариндошлари ва яқинлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кассасига олдиндан нақд пул маблағлари билан киритилган ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тегишли банк ҳисоб рақамига белгиланган тартибда расмийлаштириш билан ўтказилган маблағлар ҳисобидан тўлашга йўл қўйилади.

Консуллик муассасаларининг харажатлар сметасида вафот этган шахсларнинг жасадларини (сақланиб қолган тана қисмларини) ёки хокини Ўзбекистон Республикасига олиб бориш билан боғлиқ харажатлар учун махсус модда назарда тутилмайди.

11. Хизмат сафари муносабати билан хорижий давлатда бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вафот этса, марҳумларнинг жасадларини (сақланиб қолган тана қисмларини) ёки хокини транспортда ташиш ва Ўзбекистон Республикасига олиб келиш бўйича харажатлар хизмат сафарига жўнатган ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан қопланади.

12. Алоҳида ҳолларда консуллик муассасаси раҳбари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКга вафот этган шахснинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) ёки хокини Ўзбекистон Республикасига бепул ёки имтиёзли тариф бўйича транспортда ташиш имкониятини топиш таклифи билан муносабат қилиши мумкин.

13. Фуқаронинг ўлими тўғрисидаги ариза қариндошлари, яқинлари ва бошқа шахслар томонидан тақдим этилиши мумкин. Ариза ўлим юз берган кундан ёки ўлим факти белгиланган ёхуд вафот этган шахснинг жасади топилган вақтдан бошлаб уч суткадан кечикмай берилиши лозим.

Фуқаронинг ўлими тўғрисидаги аризани кечроқ муддатларда тақдим этиш ўлимни рўйхатга олиш ва жасадни (сақланиб қолган тана қисмларини) ёки хокни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дафн этиш учун олиб келиш, ҳужжатларини расмийлаштиришда мумкин бўлган зарур кўмак беришни рад этиш учун асос бўла олмайди.

Фуқаронинг ўлими тўғрисидаги маълумот тиббий муассаса маъмуриятдан ёки бўлиб туриш мамлакатининг бошқа ваколатли органларидан ҳам олиниши мумкин.

14. Фуқаронинг ўлими тўғрисидаги маълумот олиниши билан консул вафот этганнинг (ҳалок бўлганнинг) шахсини аниқлаш (тасдиқлаш) бўйича тезкор чораларни кўради ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига содир бўлган ходиса ҳақида тезкор хабар юборади, унда мархум ҳақидаги маълумотларни (Ф.И.О., туғилган йили, яшаш жойи), унинг ўлими сабаблари (агар маълум бўлса), тобут жўнатиладиган сана, рейс рақами, Ўзбекистон Республикасидаги вафот этган шахс яшаган манзил, қариндошларининг мавжудлиги ва улар билан боғланиш маълумотлари тўғрисида, ҳамроҳлик қилаётган шахс (агар мавжуд бўлса), шунингдек Ўзбекистон Республикасида дафн этиш учун жасадни (сақланиб қолган тана қисмларини) ёки хокни юбориш билан боғлиқ харажатлар тўғрисида маълум қилади.

15. Консул фуқаронинг ўлими ҳақида, хатто вафот этган шахс Ўзбекистон Республикасидан ташқарида дафн этилган бўлса ҳам, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қилиши шарт.

16. Зарурат туғилганда, консул Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига вафот этганнинг шахсини тасдиқлаш учун тегишли сўров юборади.

Вафот этганларнинг шахсини тасдиқлаш бўйича сўровлар устувор ҳисобланади ва ички ишлар органлари томонидан тезкор тартибда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига келиб тушган вақтдан бошлаб 24 соат ичида кўриб чиқилади.

17. Ўлимни қайд этиш учун консуллик муассасасига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

хорижий тиббий хулоса ёки ўлим ҳақидаги гувоҳнома (маълумотнома);
паспорти, йўл ҳужжати ёки вафот этганнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, ёхуд уларнинг нусхаси;

16 ёшгача вафот этган шахслар учун — паспорт, йўл ҳужжати ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома.

18. Паспорт, йўл ҳужжати ёки вафот этганнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги ўлимни қайд этиш учун тўсиқ бўла олмайди.

Агар ўлимни рўйхатга олишда вафот этган шахснинг паспорти, йўл ҳужжати ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат тақдим этилмаган бўлса, бу ҳақда ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувининг «Белгилар учун» графасида кўрсатилади.

19. Тўпланган маълумотлар асосида икки нусхада ўлим ҳақида далолат-

нома ёзуви тўлдирилади. Ўлим ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилгандан сўнг ўлим ҳақида гувоҳнома ёзилади. Бунда, паспорт ёки вафот этганнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг биринчи бетига ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви рақами ва санаси кўрсатилиб бекор қилиш тўғрисида тегишли белги қўйилади.

20. Консул вафот этган шахснинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) тезроқ дафн этиш ёки кремация қилиш мақсадида ўлимни тезкор қайд этиш бўйича барча зарур чораларни кўриши лозим.

Хорижий давлат ваколатли органларининг вафот этган шахсни ўлими сабаблари тўғрисидаги хулосаси мавжуд эмаслиги сабабли ўлимни қайд этишни рад этишга ва жасадни (сақланиб қолган тана қисмларини) моргда сақлаш учун қолдиришга йўл қўйилмайди. Консул ўлим ҳолатларини тезроқ аниқлаштириш бўйича барча зарур чораларни кўриши лозим, шу жумладан бўлиб туриш мамлакатининг тегишли вазирликлари ва идораларида шахсий учрашувларни ташкил этишни ҳам. Ўлим сабаблари тўғрисида асосланган тиббий хулосани тезда олишнинг имконияти бўлмаса, консул ўлим ҳақидаги дастлабки хулоса асосида вафот этган шахснинг ўлимини тахмин қилинган сабабини кўрсатган ҳолда ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувини расмийлаштириши лозим.

Консул хорижий давлатнинг ваколатли органлари томонидан суд-тиббий экспертизаси хулосалари асосида расмийлаштирилган ўлим ҳақидаги расмий тиббий хулоса олингандан сўнг, легализация қилинган ўлим ҳақидаги тиббий хулосани таржимаси билан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига умумлаштириш ва тегишли фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (бундан кейинги ўринларда — ФХДЁ) архивига топшириш ва зарурат туғилганда ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувларига зарур ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш учун юборади.

21. Вафот этган шахснинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) ёки хокини Ўзбекистон Республикасига транспортда ташиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш учун консуллик муассасасига қуйидагилар тақдим этилади:

хорижий давлат ваколатли органларининг жасадни (сақланиб қолган тана қисмларини) ёки хокини транспортда ташиш ва мамлакатдан олиб чиқиш бўйича рухсатномаси;

йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ) ёки ҳуқуқбузарлик оқибатида ўлим юз берганда — ваколатли орган вакили томонидан воқеа жойида тузилган баённома ёки хулоса;

юқумли касаллик мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида маълумотнома;

транспортда ташиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар (мавжуд бўлса).

22. Мазкур Низомнинг 17 ва 21-бандларида кўрсатилган барча чет эл ҳужжатлари ўзбек ёки рус тилига таржима қилинган ва консул муҳри билан шаҳодатланган бўлиши лозим.

23. Фуқаронинг ўлими ҳақидаги ҳужжатлар туркумини консул дипломатик почта каналлари орқали Ўзбекистон Республикасига юборади. Бунда,

вафот этган шахснинг бекор қилинган паспорти ёки бошқа шахсни тасдиқловчи ҳужжати келгусида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

Ҳужжатлар туркуми — ўлим тўғрисидаги далолатнома ёзувининг 2 нусхаси, ўлим ҳақидаги гувоҳноманинг консул томонидан шаҳодатланган нусхаси, паспорт ёки вафот этганнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг нусхаси, хорижий тиббий хулоса ёки ўлим ҳақидаги гувоҳноманинг (маълумотноманинг) асл нусхаси таржимаси билан, ЙТХ баённомаси ёки терговчининг ҳуқуқбузарлик факти бўйича хулосаси таржимаси билан, жасадни (сақланиб қолган тана қисмларини) ёки хокни транспортда ташиш ва мамлакатдан олиб чиқиш учун рухсатноманинг нусхаси таржимаси билан, бошқа ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд ва зарур бўлганда) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тегишли фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувига белги киритиш ва келгусида ФХДЁ архивида сақлашга топшириш учун юборилади.

24. Консул бирор объектив сабабларга кўра (рейсларнинг камлиги сабабли Ўзбекистон Республикасига жасадни шошилинч жўнатиш лозимлиги муносабати билан вақтнинг чекланганлиги ва бошқалар) ўлимни ўз вақтида қайд эта олмаса, у Ўзбекистон Республикасига белгиланган тартибда легализация қилинган тиббий хулоса ёки ўлим ҳақидаги гувоҳнома (маълумотномани) таржимаси билан кейинчалик Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ФХДЁ органлари томонидан (хорижий тиббий хулоса асосида) ўлимни қайд этилиши ёки (хорижий ўлим ҳақидаги гувоҳнома асосида) Ўзбекистон Республикасининг ўлим ҳақидаги гувоҳномасига алмаштирилиши учун юборилиши лозим.

25. Моддий маблағлар мавжуд бўлмаганда ёки қариндошлари вафот этган шахснинг жасади (сақланиб қолган тана қисмлари)ни ёки хокини Ўзбекистон Республикасига етказиш билан боғлиқ харажатларни тўлашдан бош тортганда консул вафот этган шахсни бўлиб туриш мамлакатаида кўмиш тўғрисидаги масалани ушбу давлат қонунчилигига мувофиқ ҳал қилади. Бунда, қариндошларининг жасадни (сақланиб қолган тана қисмларини) ёки хокни бўлиш мамлакатаида кўмиш тўғрисидаги нотариал шаҳодатланган аризасини олдиндан олиб қўйиш зарур бўлади.

Консуллик муассасаларининг харажатлар сметаси вафот этган шахсларнинг жасадлари (сақланиб қолган тана қисмлари) ёки хокларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарида кўмиш билан боғлиқ харажатларнинг маҳсус моддасини назарда тутмайди.

Вафот этган шахсларнинг жасадлари (сақланиб қолган тана қисмлари) ёки хокларини кўмиш билан боғлиқ харажатларни молиялаш бўйича масалалар консул томонидан ҳар бир алоҳида ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишув бўйича ҳал қилинади.

**III. Жасадни (сақланиб қолган тана қисмлари) ёки хокни Ўзбекистон Республикасига жўнатиш бўйича ташкилий масалаларни ҳал қилиш.
Тобутни транспортда ташишга тайёрлаш**

26. Жасадни (сақланиб қолган тана қисмларини) Ўзбекистон Республикасига етказиш ёки кремация қилишнинг молиявий масаласи ҳал қилинган бўлса, консул вафот этган шахснинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) ёки хокини ватанига юборишни ташкил қилиш бўйича чоралар кўради.

Жасадни (сақланиб қолган тана қисмларини) ёки хокни Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасигача транспортда ташиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш, шу жумладан дафн иши масалалари бўйича ихтисослаштирилган хизматдан (бундан кейинги ўринларда дафн бюроси деб юритилади) бўлиб туриш давлатидаги аэропортгача етказиш билан боғлиқ масалалар вафот этган шахснинг жасади (сақланиб қолган тана қисмлари) ёки хоки сақланаётган дафн бюроси томонидан консул ёрдамида ҳал қилинади.

27. Дафн бюроси жасадни транспортда ташиш бўйича барча зарур тадбирларни амалга оширади, шу жумладан жасадни санитария-гигиена жиҳатидан тайёрлайди (ювиш, махсус бальзамли эритма билан ишлов бериш ва бошқа), шунингдек имкони бўлса, зарур диний маросимларни ўтказиши.

Вафот этган шахснинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) транспортда ташиш ва нисбатан узоқ муддат давомида сақлаш зарурлиги сабабли бальзамлаш чоғида юқори концентрацияли спирт-формалин бирикмасидан фойдаланилади.

28. Вафот этган шахснинг жасади (сақланиб қолган тана қисмлари) дафн бюроси вакиллари томонидан кавшарланадиган (шуруплар билан бураб қўйилладиган ва шу каби) ва консул томонидан муҳрланадиган транспортда ташиш учун мўлжалланган герметик контейнерга (руҳ қоламали ёғоч кути — тобутга) жойланиши лозим. Консул тобутни муҳрлаш чоғида жасадни (сақланиб қолган тана қисмлари) транспортда ташишга тааллуқли бўлмаган бошқа буюмларнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Тобутни муҳрлашда қуйидаги мазмундаги матн ёзилган ўзи ёпишувчи қоғоз тасмасидан фойдаланилади:

«Муҳрланган / Опечатано / Sealed».

Муҳрлаш тобутни консулнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланадиган ўзи ёпишувчи тасма бутунлигини бузмай очишга имкон бермаслиги керак.

29. Вафот этган шахснинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмлари) баъзи чет давлатлар (асосан МДХ мамлакатлари)дан Ўзбекистон Республикасига транспортда ташишда тобутни муҳрлашнинг бошқа тартиби қўлланиши мумкин. Консулнинг турли шароитлар туфайли тобутни транспортда

ташишга тайёрлашнинг барча ҳолатларида иштирок этиш имконияти ёки зарурати бўлмагани ва чет эл қонунчилигида консулнинг тобутни муҳрлаши шарт экани тўғрисида нормалар йўқлиги сабабли, тегишли давлатнинг божхона хизмати божхона назоратини амалга ошириш чоғида рухсат берилмаган нарсаларнинг солинишига йўл қўймаслик мақсадида тобут ичида нима борлигини текшириши мумкин. Бу ҳолда тобутни кавшарлаш чет давлатнинг божхона ва бошқа ваколатли органлари вакиллари, шунингдек тобутда ўзга буюмлар йўқлиги тўғрисидаги тегишли маълумотномани тайёрлайдиган дафн бюросининг ходими иштирокида амалга оширилади.

30. Вафот этган шахснинг жасади (сақланиб қолган тана қисмлари) солинган тобут халқаро ташиш чоғида юк сифатида расмийлаштирилади ва авиалайнернинг юк бўлинмасига ёки темир йўл составининг багаж вагонига ёхуд махсус автотранспорт воситасининг тегишли бўлинмасига жойлаштирилади.

31. Консул тобут ёки марҳумнинг хоки солинган урна билан бирга қуйидаги ҳужжатларни жўнатади:

марҳумнинг паспорти ёки бошқа йўл ҳужжатининг (бор бўлса) шаҳодатланган нусхаси;

консул томонидан расмийлаштирилган ўлим ҳақидаги гувоҳнома;

ўлим ҳақида чет эл тиббий хулосасининг шаҳодатланган нусхаси, таржимаси билан;

ўлим ЙТХ ёки ҳуқуқбузарлик (мавжуд бўлганда) оқибатида юз берганда ваколатли орган вакили томонидан воқеа жойида тузилган баённома ёки хулосанинг шаҳодатланган нусхаси, таржимаси билан;

жасадга (сақланиб қолган тана қисмларига) жасадларни транспортда ташиш бўйича халқаро қоидаларга (мавжуд бўлганда) мувофиқ махсус бальзамли эритма билан ишлов берилгани ҳақида маълумотнома, шаҳодатланган таржимаси билан;

чет давлат ваколатли органларининг жасадни (сақланиб қолган тана қисмларини) транспортда ташиш ва мамлакатдан олиб чиқишга рухсатномаси (мавжуд бўлганда), шаҳодатланган таржимаси билан;

консулнинг (дафн бюроси агентининг) тобутда бошқа буюмларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотномаси;

юқумли касалликларнинг мавжудлиги (йўқлиги) тўғрисида маълумотнома;

бошқа қўшимча ҳужжатлар (мавжуд бўлганда).

32. Мазкур Низомнинг 24-бандида кўрсатилган сабабларга кўра консул томонидан ўлим қайд этилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасига тобут ёки марҳумнинг хоки солинган урна билан бирга белгиланган тартибда легализация қилинган хорижий тиббий хулоса ёки ўлим ҳақидаги гувоҳнома (маълумотнома) шаҳодатланган таржимаси билан юборилади.

Вафот этган шахснинг шахсий буюмлари бор бўлганда, уларнинг рўйхати тузилиб алоҳида ўралган ҳолда тобут ёки урна билан бирга жўнатилади.

IV. Хорижий давлат ҳудудида вафот этган шахснинг жасади (сақланиб қолган тана қисмлари) солинган тобут ёки хоки солинган урнани Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказиш

33. Вафот этган шахснинг жасади (сақланиб қолган тана қисмлари) солинган тобут Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасига етиб келганда тобутни кутиб олаётган шахслар (қариндошлари, яқинлари ва бошқалар) тегишли божхона постига тобутни қабул қилиб олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилади ва ўзларининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим этади.

Агар тобутга ҳамроҳлик қилаётган шахс бўлса, бевосита ушбу шахс мурожаат қилиши ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда иштирок этиши талаб этилади.

34. Божхона пости ходимлари тобутга илова қилинган барча зарур ҳужжатларнинг мавжудлигини текширади. Бунда, консул томонидан расмийлаштирилган ўлим ҳақидаги гувоҳнома ёки консул томонидан белгиланган тартибда легализация қилинган хорижий тиббий ҳулоса ёки ўлим ҳақидаги гувоҳнома (маълумотнома), шунингдек вафот этган шахснинг паспорти ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлари ёки уларнинг нусхаларининг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилади.

35. Божхона пости ходимлари томонидан, шунингдек тобутга қўйилган тегишли идентификация воситаларининг (улар илова ҳужжатларида кўрсатилганда) бутунлиги текширилади.

Идентификация воситаларининг бутунлигига шубҳалар туғилганда ва тобут қопқоғининг очилган бўлиши мумкинлиги тўғрисида гумонлар мавжуд бўлганда, божхона пости ходимлари тобутни унинг ичида бошқа буюмларнинг борлигини текшириш мақсадида вафот этган шахснинг қариндошлари ёки яқинлари иштирокида белгиланган тартибда очишга ҳақли.

Тобутда бошқа нарсалар борлиги аниқланганда божхона органлари томонидан қонунчиликка мувофиқ зарур чоралар кўрилади.

36. Божхона органи ходимлари томонидан тобутни очиш, зарур бўлганда кейинчалик тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари вакиллари иштирокида яқин жойлашган тиббий муассасада (тиббий текширувдан ўтказиш учун махсус ажратилган хонада) амалга оширилади.

Текширув амалга ошириладиган тиббий муассасагача вафот этган шахснинг жасади (сақланиб қолган тана қисмлари) солинган тобутни транспортда ташиш учун молиявий харажатлар қариндошлари, яқинлари ёки тобутга ҳамроҳлик қилаётган бошқа шахсларнинг ҳисобидан қопланади.

37. Тобутга қўйилган идентификация воситаларининг бутунлигига шубҳалар бўлмаганда, божхона органининг ходимлари барча зарур ҳужжатлар расмийлаштиригандан ва қабул қилувчи шахснинг имзоси билан тасдиқланган вафот этган шахснинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) қабул қилганлиги тўғрисида тилхат олингандан сўнг божхона органи ходим-

лари вафот этган шахснинг жасади (сақланиб қолган тана қисмлари) солинган тобутни божхона пости ҳудудидан олиб чиқишга рухсат беради. Бунда, мазкур Низомнинг 31-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар нусхалари ҳисобга олиш ва ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйиш учун божхона постида қолдирилади.

38. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий давлатларда кремация қилинган фуқароларнинг хокини келтириш махсус урналарда амалга оширилади. Урнага кремация ҳақида маълумотнома илова қилинади, унда вафот этган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, шаҳар ва крематорий номи, кремация қилиш куни ва вақти кўрсатилади, шунингдек хок муайян жойда кўмиш учун берилгани қайд этилади. Маълумотнома имзо ва дафн бюросининг муҳри билан тасдиқланади. Урнани муҳрлаш талаб этилмайди.

39. Кремация қилинган фуқаронинг хоки солинган урнани Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказиш умумий асосларда кузатув ҳужжатларини текшириш натижалари бўйича амалга оширилади.

V. Хорижий давлат ҳудудида вафот этган шахсларнинг жасадлари (сақланиб қолган тана қисмлари) ёки хоки солинган урналарни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дафн қилиш

40. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вафот этган шахсларнинг жасадлари (сақланиб қолган тана қисмлари) ва хоки солинган урналарни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дафн қилиш умумий асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вафот этган шахсларга нисбатан қўлланадиган қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

41. Карантин ва ўта хавfli инфекциялардан (ўлат, вабо ва бошқалар) вафот этган ёки уларга гумон қилинаётган шахсларнинг жасадларини (сақланиб қолган тана қисмларини) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транспортда ташиш ва дафн қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

42. Айрим ҳолларда, ҳаётлик чоғидаги хоҳишига ёки васиятномасига кўра Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вафот этган чет эл фуқароларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўмишга рухсат берилди. Одатда, улар собиқ ватандошлар, Ўзбекистон Республикаси билан тарихий қариндошлик алоқаларига эга бўлган бошқа шахслар бўлиши мумкин.

Вафот этган чет эл фуқароларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дафн этиш «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 138-модда) билан тасдиқланган Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр устида ёдгорликларни куриш тартиби тўғрисидаги низом, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 июндаги 174-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари

тўплами, 2011 й., 24-сон, 249-модда) билан тасдиқланган Дафн этишга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом ва мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

VI. Яқуний қоидалар

43. Мазкур Низомни бажаришни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

44. Мазкур Низомни бузганлик учун айбдор шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

45. Мазкур Низом «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан келишилган.

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
миллий авиакомпанияси
бош директори*

В. ТЯН

2011 йил 16 сентябрь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
Давлат акциядорлик темир йўл
компанияси раиси*

А. РАМАТОВ

2011 йил 16 сентябрь

*Ўзбекистон автомобиль ва
дарё транспорти агентлиги
бошлиғи*

А. АБДУВАЛИЕВ

2011 йил 16 сентябрь